

Сеулда икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни кенгайтириш масалаларига бағишланган Ўзбекистон-Корея «давра суҳбати» бўлиб ўтди



13 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг Сеул шаҳридаги элчихонасида икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш ва уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш масалаларига бағишланган Ўзбекистон-Корея «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи арафасида ўтказилган «давра суҳбати»да экспертлар икки томонлама ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар, маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳолатига баҳо бердилар. Шунингдек, пандемиядан кейинги даврда ишчи меҳнатчиларнинг ушбу мамлакатларда ўзаро алмашинувини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарларининг режалаштирилган учрашуви ва икки томонлама қатор музокаралар давлатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва шерикчилик каби муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистонлик мутахассислар корейлик ҳамкорларга Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси доирасидаги кейинги ислохотларнинг устувор йўналишлари бўйича долзарб маълумотларни тақдим етди. Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича кейинги қадамларга, шунингдек, Корея Республикаси алоҳида ўрин тутадиган стратегик шерик давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида корейлик экспертлар Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллашини ва Корея Республикасининг ушбу минтақадаги энг муҳим ҳамкори эканлигини таъкидладилар. Бугунги кунда кейинги ўн йилликларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос бўладиган навбатдаги кенг қўламли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш объектив зарурати борлиги қайд этилди.

Жумладан, Корея Республикаси академик давра вакиллари икки давлат ўртасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-техник мутахассислар алмашинуви соҳасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар кун тартибини ҳар икки томоннинг улкан салоҳиятига жавоб берадиган силжишли келишувлар билан янада тўлдириш муҳимлиги ҳақида келишиб олдилар. Улар илмий алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва Марказий Осиёдаги икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига бағишланган қўшма анжуманлар ташкил этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий Осиё халқаро институти ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг етакчи экспертлари иштирок этди.

Корея томонидан Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ елчиси, Кемюнг университети профессори Чон Дае Ван, Марказий Осиё-Корея ҳамкорлик форуми бош котиби Ли Жонгкук, Евроосиё туркий тадқиқотлар институти директори, профессор Тондук Хотин-қизлар университети О Эункён ва Корея Политехника Университети Корейс тилини ўрганиш марказининг ташқи алоқалар бўлими директори, профессор Жо Нам Жу қатнашдилар.

Манба